

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЖАҲОНОВ АЗИЗБЕК ХОЛМИРЗАЕВИЧ

**АУТОИММУН ГЕМОЛИТИК АНЕМИЯНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР
ВА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.29–Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Жахонов Азизбек Холмирзаевич

Аутоиммун гемолитик анемиянинг клиник-лаборатор

ва молекуляр-генетик жиҳатлари..... 3

Жахонов Азизбек Холмирзаевич

Клинико-лабораторные и молекулярно-генетические

аспекты развития аутоиммунной гемолитической анемии..... 25

Jakhonov Azizbek Kholmiraevich

Clinical-laboratory and molecular-genetic aspects

of development autoimmune hemolytic anemia..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЖАХОНОВ АЗИЗБЕК ХОЛМИРЗАЕВИЧ

**АУТОИММУН ГЕМОЛИТИК АНЕМИЯНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР
ВА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИХАТЛАРИ**

14.00.29–Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1766 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саидов Аълонур Бахтинурович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Махмудова Азиза Джумановна
тиббиёт фанлари доктори

Гильдиева Маргарита Сабировна
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббит институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли илмий кенгашининг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш.А. Бабажанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда аутоиммун гемолитик анемия (АИГА) муаммоси - асосан эритроцитларга аутоантителолар томонидан ҳосил бўлган декомпенсацияланган орттирилган гемолиз дунё бўйлаб замонавий тадқиқотчиларнинг алоҳида қизиқишини уйғотади. «...шу билан бирга, касалликни мултифакториал деб ҳисоблашга имкон берадиган АИГА ривожланишининг тўлиқ очилмаган механизми, унда иммунитетнинг бузилиши ва генетик таркибий қисмларнинг дисрегуляцияси алоҳида ўрин тутади...»¹. Цитокинларни тартибга солишнинг бузилиши ва эритроид суяк илиги гематопоезининг самарасиз компенсацияси билан кечадиган иммунитет тизими эффекторларининг ҳаддан ташқари фаоллашиши турли хил асорат ва юқори ўлим билан бирга тананинг оғир гипоксияси ва гемолитик интоксикацияси туфайли беморнинг аҳволи кескин оғирлашишига олиб келади. Ўз навбатида, бу молекуляр-генетик даражада АИГА ҳосил бўлиш механизmlарини чуқурроқ тушунишни талаб қилади.

Жаҳонда АИГА ривожланишида детерминант генларнинг ўрнини ўрганишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, АИГА билан хасталанган беморларда яллиғланиш цитокинлари ўсимта некрози омили (TNF- α) (rs1800629), интерлейкин (IL) 10 (rs1800896), интерлейкин (IL) 10 (rs1800872), интерлейкин (IL)17A (rs2275913) ва интерлейкин (IL) 17F (rs763780) генларининг тарқалишини таҳлил қилиш АИГА ривожланишида яллиғланиш цитокинлари IL 10 (rs1800896), IL 10 (rs1800872), TNF- α (rs1800629), IL17A (rs2275913) ва IL 17F (rs763780) полиморфизмларининг ноқулай генотипларини ташиш ўрнини, уларни касалликнинг оғир кечишини шакллантиришда, ушбу патологиянинг клиник ва лаборатор кўринишларининг оғирлиги билан боғлиқлигини баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда аутоиммун гемолитик анемиянинг клиник-лаборатор ва молекуляр-генетик жиҳатлари таҳлил қилиш замонавий гематологиянинг долзарб муаммоларидан биридир.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантири, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан турли соматик касалликларни тўғри мақсадга йўналтирилган даволаш ва олдини олиш чоратадбирларни ўтказишга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан

¹Fattizzo B., Barcellini W. Autoimmune hemolytic anemia: causes and consequences //Expert Review of Clinical Immunology. – 2022. – Т. 18. – №. 7. – С. 731-745

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

холда аутоиммун гемолитик анемиянинг клиник-лаборатор ва молекуляр-генетик жиҳатларини башоратлаш алохида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлоқо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 10-февралдаги ПҚ-5199-сонли «Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш, шунингдек онкогематологик ва даволаб бўлмайдиган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5130-сонли «Ўзбекистон Республикасида аҳолига гематология ва онкологик хизматларни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда дунёнинг бир қатор йирик тадқиқот марказларида аутоиммун гемолитик анемиянинг сабаб омиллари ва иммуногенезини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда (Jäger U. et al., 2020; Berentsen S., 2020; Fattizzo B. et al., 2020; Bianco C. et al., 2021; A. Voulgaridou, T.A. Kalfa, 2021). Комплементар тизимнинг фаоллашуви ва АИГА да гемолизга олиб келадиган ўз эритроцитларига қарши аутоантителолар ишлаб чиқариш туфайли бузилган иммунитет бардошлилигининг ошкор қилинмаган механизмларини топишга қаратилган тадқиқотлар жаҳондаги етакчи илмий марказларда устувор йўналиш ҳисобланади (Neunert C. E., Despotovic J. M., 2019; Murakhovskaya I., 2020; Marina M. A., Rubio M. L., García L. C.; 2023). АИГА даги гемолизнинг оғирлиги ва уни даволашнинг стандарт усуллари кўпинча оғир гипоксия, тромбоз, инфекциянинг қўшилиши каби асоратларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, беморларнинг ҳаёт сифатини муқаррар равишда пасайтиради ва кўпинча ўлимга олиб келади (Chaparro C. M., Suchdev P. S., 2019; Hemminki K. et al., 2020; Ibrahim I. A. et al., 2022). Замонавий илмий маълумотлар АИГА нинг турли шакллари ташхислаш ва даволашда қийинчиликлар мавжудлигини исботлайди (Audia S. et al., 2018; Barcellini W., Fattizzo B., Zaninoni A., 2019; Pasquale R. et al., 2021; Al-Kuraishy H. M. et al., 2022). Ўз навбатида, патогенетик нуқтаи назардан, бу АИГА шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган кам маълум бўлган генетик механизмларни очиш бўйича тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади (Hill Q. A., Hill A., Laurentino M. R. et al.,

2018; Berentsen S., 2019; Zaninoni A. et al., 2021; Sirianni M. F. M., 2021; Zaninoni A. et al., 2023).

Ўзбекистонда талассемия ва бошқа ирсий гемолитик анемия билан оғриган беморларда гуморал иммунитет ва хелатор терапиясининг самарадорлигини баҳолаш бўйича ишлар олиб борилган (У.У. Рахманова, Д.Н. Сулейманова, 2021, 2022). Бундан ташқари, республикада β -талассемияни генетик ташхислаш усуллари яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда (Г.Н. Давлатова, Д.Н. Сулейманова, 2022). Бироқ, республикада АИГАнинг клиник-лаборатор ва молекуляр-генетик хусусиятлари бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда АИГАнинг шаклланиши ва унинг оғир кечиши иммуногенетик омилларга боғлиқлиги, у билан хасталанган беморларда асорат ҳамда ўлим кўрсаткичининг юқорилиги борасида аниқ тушунча ва ягона фикрларнинг йўқлиги янги тадқиқотлар зарурлигини белгилайди. Бу нафақат касалликнинг иммуногенезини яхшироқ тушуниш, балки эрта ташхислаш ва унинг оғир кечишини тахмин қилишнинг энг самарали усуллари, шунингдек, АИГАни даволаш ва уни олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш заруриятини тақозо қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган гематология илмий амалий марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС-15.14.4 «Ўсма клонининг молекуляр-биологик хусусиятлари ҳисоби билан кўплаб миеломлар асоратларини башоратлаш» (2018-2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади аутоиммун жараён шаклланишининг клиник, лаборатория ва молекуляр-генетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш мезонлари ва аутоиммун гемолитик анемиянинг ривожланиш ва кечишини башорат қилиш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аутоиммун гемолитик анемиянинг ривожланиши ва оғир кечишида IL10 (rs3024491) гени ахамиятсиз эканлиги, IL10 (rs1800872) гени эса касалликнинг оғир кечишида бевосита таъсири аниқланган;

аутоиммун жараённинг модификатор генлари TNF- α (rs1800629), IL 17A (rs2275913), IL 17F (rs763780) ва АИГА ривожланиши ўртасидаги ассоциатив боғлиқлик исботланган;

аутоиммун гемолитик анемиянинг оғир даражасида TNF- α (rs1800629), IL10 (rs1800872), IL17A (rs2275913); IL17F (rs763780) генларининг полиморф локусларининг мустақил хавф таъсири исботланган;

аутоиммун гемолитик анемияда IL 23R (11209026) генетик полиморфизимининг касаллик ривожланиши ва оғир кечиши жихатдан прогностик ахамиятсизлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2022-йилларда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказига (РИГИАТМ) ташхис қўйиш ва даволаш учун қабул қилинган АИГА билан

хасталанган 190 нафардан беморлардан 93 нафари асосий гуруҳни, 97 нафар аутоиммун патологиялари бўлмаган соғлом донорлар назорат гуруҳи олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида АИГА билан хасталанган беморларни ташхислаш ва даволашда умумий, биокимёвий қон текшируви, иммунологик тадқиқотлар ва полиморф генларни (TNF- α (rs1800629), IL 10 (rs1800872), IL 10 (rs3024491), IL17A (rs2275913), IL 17F (rs763780) ва IL23R (11209026)) ажратиш учун веноз қон ва миелограмма кўрсаткичлари ҳамда суяк илигини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини амалга ошириш учун клиник, лаборатор, биокимёвий, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аутоиммун гемолитик анемиянинг ривожланиши ва оғир кечишида IL 10 (rs3024491) гени аҳамиятсиз эканлиги, IL 10 (rs1800872) гени эса касалликнинг оғир кечишида бевосита таъсири аниқланган;

аутоиммун жараённинг модификатор генлари TNF- α (rs1800629), IL 17A (rs2275913), IL 17F (rs763780) ва АИГА ривожланиши ўртасидаги ассоциатив боғлиқлик исботланган;

аутоиммун гемолитик анемиянинг оғир даражасида TNF- α (rs1800629), IL10 (rs1800872), IL17A (rs2275913); IL17F (rs763780) генларининг полиморф локусларининг мустақил хавф таъсири исботланган;

аутоиммун гемолитик анемияда IL 23R (11209026) генетик полиморфизмининг касаллик ривожланиши ва оғир кечиши жиҳатдан прогностик аҳамиятсизлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

клиник амалиётда аутоиммун гемолитик анемияни эрта ташхислаш учун стандарт усуллар билан бир қаторда TNF- α (rs1800629), IL17A (rs2275913) ва IL-17F (rs763780) полиморф генларининг молекуляр-генетик тадқиқотларини киритиш таклиф қилинган;

TNF- α (rs1800629), IL10 (rs1800872), IL17A (rs2275913) и IL-17F (rs763780) генларининг полиморф локусларини аутоиммун гемолитик анемиянинг оғир кечишини шакллантириш хавфи билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, уларни эрта генетик башорат қилувчи сифатида ишлатиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган;

аутоиммун гемолитик анемиянинг ривожланиш ва кечиш характерини башорат қилиш мезонларининг такомиллаштирилиши, касалликнинг оғир кечиш хавфи паст ва юқори бўлган беморлар гуруҳларини ўз вақтида аниқлашга имкон берган;

бу эса беморларни даволаш учун моддий харажатларни камайтириш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган

клиник, лаборатор, биокимёвий, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик таҳлил усуллар ёрдамида аутоиммун гемолитик анемиянинг клиник-лаборатор ва молекуляр-генетик жиҳатларини башоратлашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки аутоиммун гемолитик анемиянинг ривожланиш механизмлари ва клиник кечишининг оғирлигига ҳар томонлама лаборатор ва молекуляр-генетик баҳоланиб, TNF- α (rs1800629), IL10 (rs1800872), IL17A (rs2275913) и IL-17F (rs763780) генларининг полиморф локуслари билан касалликнинг юқори ривожланиш хавфи ва оғир кечиши ўртасида боғлиқликнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки кенг қамровли тадқиқотлар асосида АИГАнинг ривожланиши ва оғир кечишида TNF- α (rs1800629), IL10 (rs1800872), IL17A (rs2275913) и IL-17F (rs763780) полиморф генларининг юқори таххисий ва прогностик самарадорлиги исботланиб, бу эса ўз навбатида оғир шаклларнинг даражасини камайтириш ва ушбу касалликка чалинган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент Тиббиёт Академияси Мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 2023-йил 23 ноябрдаги 11-23/84-х-сон хулосасига кўра:

Биринчи илмий янгилик: олинган натижаларга кўра аутоиммун гемолитик анемия аниқланган беморларда IL10 (rs 1800872) ва IL10 (rs 3024491) генларининг полиморф локусларининг тарқалишини касаллик келтириб чиқаришдаги ролини эрта аниқлаш даво муолажаларини тўғри олиб боришга ёрдам беради. Бу эса беморларнинг касалхонага қайта ётишлари сонини ва кунини ҳамда даволаш учун кетадиган харажатларни камайтириш орқали иқтисодий самара беради.

Иккинчи илмий янгилик: камқонлик аниқланган беморларда TNF- α (rs 1800629), IL17A (rs 2275913), IL17F (rs 763780) модификатор генларини аниқланганлиги уларда аутоиммун гемолитик анемияни эрта аниқлаш имконини беради. Унга асосланган ҳолда танланган самарали даво асосий касалликни авжланишини ва ногиронликни камайтириб беморларнинг ўртача умр давомийлигини оширади, касалхонага қайта ётишлари сонини ва кунини ҳамда даволаш учун кетадиган харажатларни камайтириш орқали иқтисодий самара беради.

Учинчи илмий янгилик: олинган натижаларга кўра аутоиммун гемолитик анемия аниқланган беморларда TNF- α (rs 1800629), IL10 (rs 1800872), IL17A (rs 2275913); IL17F (rs 763780) генларининг полиморф локусларининг эрта аниқлаш касаллик асоратларни олдини олишга ёрдам беради. Касалликга монанд даво олиб бориш беморларнинг касалхонага қайта

ётишлари сонини ва кунини ҳамда даволаш учун кетадиган харажатларни йил давомида 18 000 000 сўмгача кайтириш орқали иқтисодий самара беради.

Тўртинчи илмий янгилик: аутоиммун гемолитик анемияда клиник, лаборатор ва генетик кўрсаткичларни таҳлил асосида аутоиммун гемолитик анемия ривожланиши ва қайталанишининг ташхисий ҳамда прогностик мезонларини ишлаб чиқиш асосида беморларнинг шифохонада даволаниш кунларини қисқариши, даволаш учун кетадиган харажатлар миқдорини камайтириш имконини берган. Шунингдек, беморларнинг шифохонага қайта ётишлар сони камайганлиги сабабли ҳар бир бемордан йил давомида қўшимча 6.000.000 сўм миқдорда пул маблағлари иқтисод қилинади.

Жахонов Азизбек Холмирзаевичнинг тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини (14.00.29 – гематология ва трансфузиология) олиш учун “Аутоиммун гемолитик анемиянинг клиник-лаборатор ва молекуляр-генетик жиҳатлари” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академияси Эксперт кенгашининг 2023-йил 23-ноябр 11-23/84-х сонли хулосаси тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурияти, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, шу тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ҳамда диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аутоиммун гемолитик камқонлик ташхислаш муаммонинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида аутоиммун гемолитик анемия муаммоси, унинг эпидемиологик хусусиятлари, кўзгатувчи омиллар, касалликнинг патогенези ва аутоиммун гемолитик анемия ривожланишига олиб келадиган ташаббускор жараёнларни амалга оширишда генетик омилларнинг иштирокини таҳлил қилиш бўйича замонавий тадқиқот натижалари келтирилган. Қўшимча тадқиқотларни талаб

қиладиган касалликнинг иммуногенези нуқтаи назаридан ягона ечимни топпаган масалалар алоҳида акс эттирилган.

Диссертациянинг «**Аутоиммун гемолитик анемиянинг клиник-лаборатор ва молекуляр-генетик жиҳатлари**» иккинчи боби клиник материални тавсифлашга ва илмий ишда қўлланиладиган асосий лаборатория, молекуляр биологик ва статистик усулларни тавсифлашга бағишланган.

Илмий тадқиқотлар 2018 йилдан 2023 - йилгача РИГИАТМ (Тошкент шаҳри) да диагностика ёрдами ва даволаш учун қабул қилинган АИГА билан касалланган 93 нафар беморни (эркаклар – 47.3%, аёллар – 52.7%) ва аутоиммун касалликлар тарихи бўлмаган, жинси ва ёши бўйича беморлар гуруҳи билан таққослаш мумкин бўлган 97 нафар соғлом донорларни комплекс текшириш орқали амалга оширилган.

АИГА диагностикаси гемолиз белгилари ва антиглобулин тестини аниқлаш билан клиник ва лаборатория натижаларига кўра амалга оширилди.

РИГИАТМ га қилинган муружат бўйича, беморлар 18 ёшдан 80 ёшгача (ўртача ёши $41,2 \pm 3,9$ ёш) тасодифий усул билан танланган.

АИГА билан оғриган беморларни танлашда истисно мезонлари лимфопрлифератив касалликлар, ўсмалар ва бошқа бирламчи сабаблар фонида кузатилган иккиламчи АИГА билан касалланган беморлар эди.

Тадқиқот мақсадларига мувофиқ текширилганларнинг барчаси гуруҳларга бўлинди: I гуруҳ - АИГА билан хасталанган беморларнинг асосий гуруҳи (n=93); II гуруҳ - енгил АИГА билан хасталанган беморлар (n=6); III гуруҳ – АИГА нинг ўртача оғирлиги бўлган беморлар (n=49); IV гуруҳ – оғир АИГА билан хасталанган беморлар (n=38); V гуруҳ – соғлом назорат гуруҳи (n=97).

Тадқиқот методологияси клиник (анамнестик маълумотларни таҳлил қилиш, беморни пальпация, перкуссия ва аускультатив усуллар билан умумий текшириш); лаборатор (перифэрик қон кўрсаткичларининг умумий таҳлили, миелограмма, биокимёвий қон текшируви); иммунологик (антиглобулин тести); TNF- α (rs1800629); IL 10 (rs1800872); IL 10 (rs3024491); IL17A (rs2275913), IL 17F (rs763780) и IL23R (11209026) полиморф генларининг молекуляр генетик таҳлили (стандарт ПЗР); статистик ҳисоблаш усуллари (дастурлар тўплами «OpenEpi 2009, Version 2.3») ўтказишни ўз ичига олади.

Лаборатор тадқиқот усуллари қуйидагиларни аниқлашни ўз ичига олади:
-умумий қон таҳлили кўрсаткичларини: гемоглобин (HGB) концентрацияси, эритроцитлар (RBC), эритроцитлар таркибидаги ўртача гемоглобин таркибининг эритроцитлар индекслари (MCH), эритроцитларнинг ўртача ҳажми (MCV), эритроцитдаги гемоглобиннинг ўртача концентрацияси (MCHC), эритроцитлар анизоситози (RDW) кўрсаткичи, лейкоцитлар (WBC), лейкоцитар формула элементларини «Sysmex, Япония» гематологик автоматик анализаторида «HUMAN, Германия» фирмаси тест тизимларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш. Ёруғлик микроскопи (LEICA ICC50 E, Германия) ёрдамида

ретикулотситлар сони алоҳида ҳисоблаб чиқилган ва Панчинков аппаратида (Россия) ЭЧТ даражаси аниқланган;

-қон биокимёвий кўрсаткичлари (умумий оқсил, АЛТ, АСТ, билирубин) ва сийдик таҳлили (биокимёвий ярим автоматик «Mindray, Хитой» анализатори ёрдамида «HUMAN, Германия» фирмаси тўпламларидан фойдаланган ҳолда текширилди;

антиглобулин тести (бевосита ва билвосита Кумбс синамалари) антиглобулин Кумбс зардоби ёрдамида қўлда аниқланган.

TNF- α (rs1800629), IL17A (rs2275913), IL-17F (rs763780), IL23R (11209026), TGF β (rs 1800471) генларининг полиморф локусларини генотиплаш стандарт SNP - ПЗР ёрдамида амалга оширилди.

ДНК веноз қон лимфоцитларидан ажратиб олинди, унинг тозалиги ва контсентрасияси спектрофотометрда ўлчанди, охирида амплификатсия қилиниб, агароза гелида амплификатсиялар ажратилди, электрофорез учун эса «Хеликон, Россия» фирмасининг горизонтал камераларидан фойдаланилди.

Олинган натижаларни математик қайта ишлаш шахсий компютерда «ОпенЕпи 2009, Вэрсион 2.3» махсус статистик дастурлари ёрдамида амалга оширилди.


Ген генотипларининг частоталари тақсимотининг Харди-Вайнберг мувозанатидаги кутилган частоталарига мувофиқлиги таҳлили ўтказилди (РХВ, $p > 0.05$); аллеллар ва генотипларнинг нисбатларидаги фарқлар Фишер мезонини (χ^2), ишончлиликни (P), ривожланиш хавфини (OR), ишонч интервали (СИ) аниқлаш орқали ҳисобланди.

Диссертациянинг «Аутоиммун гемолитик анемиянинг клиник-лаборатор ва молекуляр-генетик жиҳатлари» Аутоиммун гемолитик анемиянинг клиник ва лаборатория кўринишларининг оғирлигини таҳлил қилиш» деб номланган учинчи бобида АИГА клиник кўринишлари ва лаборатория ўзгаришлари натижалари кўрсатилган.

АИГА билан хасталанган беморларнинг асосий гуруҳида жинс таркиби аниқланди: аёллар 52,7% (49) ва эркаклар 47,3% (44). Қабул пайтида беморларнинг ёшини баҳолашда беморларнинг аксарияти 18 ёшдан 59 ёшгача бўлганлиги аниқланди, бу ЖССТ бўйича ёш таснифига кўра, 18 ёшдан 59 ёшгача бўлган ёш (57%) ва ўрта ёшдаги (27,9%) одамлар гуруҳига тўғри келади. Бундан ташқари, 60 ёшдан 74 ёшгача бўлган ёшнинг ўсиши билан касалликнинг даражаси 14% гача пасайишни бошлайди ва қариликда (75-80 ёш) энг паст 1,1%га етади. Ёшликдаги ва ўрта ёшдаги касалликнинг юқори даражаси, эҳтимол, ёшлик даврида тананинг гормонал ҳолатининг энг катта фаоллиги ва ўрта ёшдаги гормонал узилишлар билан боғлиқ. Ўз навбатида, кекса ва қарилик даврида касалланиш даражасининг кескин камайиши, эҳтимол, паст гормонал фаоллик билан боғлиқ (1А-расмга қаранг).

АИГА билан хасталанган беморларнинг анамнестик маълумотлари таҳлил қилиниб, қариндошларининг 32,3% (30) турли хил аутоиммун касалликларга эга эканлиги аниқланди. Жумладан, ушбу касалликлар рўйхати

орасида 12,9% (12) да ревматоид полиартрит (РПА), 10,7% (10) да ревматизм (Р), 4,3% (4) да тизимли қизил югурук (ТҚЮ), 2,2% (2) да аутоиммун аллопеция (АА) ва тизимли склеродерма (ТС) 2,2% (2) ҳолларда аниқланган (1Б-расмга қаранг).



1А-расм. Ёшга қараб АИГА ни рўйхатга олиш даражаси (ЖССТ маълумотларига кўра). Б. АИГА билан хасталанган беморларнинг қариндошлари орасида аутоиммун патологияларнинг мавжудлиги

Шу билан бирга, АИГА билан хасталанган беморларнинг кўпчилигида (67,7/63) анамнезида аутоиммун патологиялар аниқланмади.

Бундан ташқари, беморларда АИГА бошланишининг табиати таҳлил қилинганда, касалликнинг ўткир бошланиши ҳолатлари 29,0% (27) ни ташкил этди, 5-14 кун ичида умумий аҳволнинг кескин тез ёмонлашиши билан намоён бўлди. Тадқиқот учун танланган беморларнинг кўп қисмида (71,0%/66) касаллик сурункали бошланган, касаллик белгилари бир ойдан икки ойгача аста-секин ривожланган, бу кўпинча беморларни ўртача (52,7%/49) ва оғир (11,8%/11) анемия билан мурожат қилишлари учун хизмат қилган, улар орасида фақат 6 нафари (6,4%) га касалликнинг енгил шаклига ташхис қўйилган.

1-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида умумий қон таҳлил кўрсаткичларининг ҳолатини баҳолаш, (М±м)

Кўрсаткичлар	Соғлом, назорат гуруҳ, n=97	АИГА билан асосий гуруҳ, n=93	I даражали АИГА, n=6	II даражали АИГА, n=49	III даражали АИГА, n=38
Нв, г/л	137,2±2,1	73,8±1,5	100,0±2,5	82,1±0,8**	59,0±1,5***
эритроцит (x10 ¹² /л)	5,1±0,4	2,3±0,07	3,4±0,2	2,8±0,04*	1,6±0,04**
ретикулоцитлар (%)	1,2±0,001	33,0±1,7	8,2±0,8***	26,6±1,4***	45,3±1,9***
MCV (фл)	87,2±2,3	114,2±1,2	97,3±2,8	112,4±1,4*	119,3±1,8*
MCH (пг)	28,1±0,7	28,1±0,6	29,2±2,3	31,3±0,6	23,9±0,9
MCHC (г/%)	35,1±2,2	32,3±0,3	34,4±1,2	32,8±0,4	31,5±0,4
RDW (%)	11,8±0,2	24,2±0,6*	16,0±1,4	21,2±0,4*	29,4±0,8**
ЭЧТ, мм/соат	7,4±1,1	38,2±1,3***	18,3±3,9*	38,0±1,4***	41,7±2,1***

Изоҳ: *- назорат гуруҳи билан солиштирганда фарқларнинг ишончилиги: * -P<0,05; ** -P<0,01; ***-P<0,001.

Аутоиммун гемолитик анемия ташхиси ва оғирлигини аниқлашнинг якуний текширувида ҳал қилувчи ташхислаш усули қуйидаги лаборатор кўрсаткичларини аниқлашни ўз ичига олган.

Беморларнинг умумий гуруҳида УКҚТ кўрсаткичларининг ҳолатини баҳолашда барча кўрсаткичларнинг ўртача статистик даражаларига эътибор қаратилди.

Беморларнинг умумий гуруҳида гемоглобин кўрсаткичларига кўра ўртача оғирликдаги камқонлик анемия аниқланди, олинган натижалар соғлом шахслардаги кўрсаткичлар билан солиштирилганда 1,86 маротаба паст бўлди ва ишончли фарқ кузатилди ($p < 0.05$). Ушбу кўрсаткич эритроцитларнинг гемолизи туфайли камайди, бу эса ўз навбатида назорат гуруҳига нисбатан эритроцитлар сонининг ҳам 2,2 баравар камайишига олиб келди.

Шу билан бирга, муҳим ташхисий меъзон ҳисобланган ретикулоцитларнинг мавжудлиги асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 27.5 маротаба баланд бўлди ва юқори ишончли фарқ аниқланди. ЭЧТ даражаси сезиларли даражада 5,2 баравар ошди.

АИГА билан оғирган беморларнинг оғирлик даражасига кўра УКҚТ ўзгаришларининг табиатини таҳлил қилганда, енгил оғирликдаги беморлар орасида табиий равишда минимал силжишлар аниқланди.

Енгил АИГА билан хасталанган беморлар гуруҳида гемоглобин миқдори ва эритроцитлар сони 1.4 ($P < 0,05$) ва 1.5 ($P < 0,05$) маротаба паст бўлди. Ушбу гуруҳдаги ретикулоцитоз 6,8 баравар юқори ($P < 0,001$), MCV 1,1 маротаба ва RDW 1,4 маротаба бўлди. Енгил даражали беморларда ЭЧТ соғлом шахслар кўрсаткичларидан 2,5 баравар юқори бўлди ($p < 0,001$).

АИГАнинг ўртача оғирлиги бўлган беморларда гемоглобин ва эритроцитларнинг ўртача кўрсаткичлари соғлом одамларга нисбатан мос равишда 1,7 ($p < 0.01$) ва 1,8 баравар ($p < 0.05$) паст бўлди, беморлар орасида ретикулоцитлар медианаси эса 16,0 баравар ($p < 0.001$) кўплиги аниқланган. MCV ва RDW қийматлари 1,3 баравар ва 1,8 бараварга ошди. АИГА нинг ўртача оғирлиги бўлган беморлар орасида ЭЧТ $38,0 \pm 1,4$ м/соатгача кўтарилиб, назорат гуруҳидаги кўрсаткичдан 5,1 баравар ошди ($p < 0.001$).

Оғир АИГА билан оғирган беморлар орасида гемоглобин ва эритроцитлар медианаси соғлом одамларга нисбатан мос равишда 2,3 ($P < 0.01$) ва 3,2 марта ($P < 0.05$) паст бўлган, бу гуруҳда ретикулоцитлар ўртача сони энг юқори $45,3 \pm 1,9\%$ ва назорат гуруҳидан 37,7 баравар кўп ($p < 0.001$) ни ташкил этган.

Табиийки, ушбу беморлар гуруҳида MCV ва RDW медианаларида ҳам янада яққолроқ ўзгаришлар аниқланди, улар соғлом инсонлардан 1,4 баравар ($119,3 \pm 1,8$ фл) ва 2.5 баравар ($29,4 \pm 0,8$ %) га ошди. АИГА нинг оғир даражасида ҳам ЭЧТ нинг ўртача қиймати максимал бўлиб, назорат гуруҳидагидан 5.6 баравар ошди ($P < 0.001$).

Ушбу таҳлилдан ташқари, биз гемоглобин, қизил қон таначалари даражасининг пасайиши ва ретикулоцитлар, MCV, RDW ва ЭЧТ ларнинг кўпайиши ўртасидаги корреляцион алоқаларни ўргандик.

Бундан ташқари, биз эритроцитлар гемолизи тез-тез кузатиладиган бошқа тизимли гематологик касалликларни истисно қилиш учун миелограмма кўрсаткичларини таҳлил қилдик (2-жадвалга қаранг).

Миелограмма натижаларига кўра, бошқа тизимли гематологик касалликларга хос бўлган ўзгаришлар аниқланмади.

2-жадвал

Аутоиммун гемолитик анемияда миелограмма кўрсаткичлари ҳолатини баҳолаш, (M±m)

Кўрсаткичлар	Норма	АИГА билан асосий гуруҳ n =93	И даражали АИГА n =6	ИИ даражали АИГА n=49	ИИИ даражали АИГА n =38
Эритробластлар, %	0,2-1,1	1,02±0,06	0,8±0,2	1,1±0,06	0,9±0,1
Базофил нормобластлар, %	1,4-5,8	4,5±0,2	4,5±0,2	3,9±0,2	5,4±0,4
Полихроматофил нормобластлар, %	8,9-16,9	20,1±0,9	20,7±0,4	19,8±0,6	20,4±1,04
Оксифил нормобластлар, %	0,8-5,6	35,2±0,3 ***	31,2±1,3 ***	34,7±0,5 ***	36,6±0,4 ***
Жами	15,5-26,5	60,82±1,4** *	57,2±2,1 ***	59,5±1,36 ***	63,3±1,94 ***

Изоҳ: *- назорат гуруҳи билан солиштирганда фарқларнинг ишончилиги: * -P<0,05; ** -P<0,01; ***-P<0,001.

Шу билан бирга, АИГА билан оғриган беморларнинг асосий гуруҳида 60,82±1,8% (P<0.001) гача, енгил даражасида 57,2±2, (P<0.001) гача, ўртача ва оғир даражасида мос равишда 59,5±1,36 (P<0.001) ва 63,3±1,94 (P<0.001) гача кизил ўсиқнинг гиперплазияси билан кечадиган нормобластик эритропоэзнинг шакли кузатилди.

Шундай қилиб, нормобластик гематопоез ва эритроид ўсиқнинг гиперплазияси билан тавсифланган натижалар, текширилган беморларда АИГА мавжудлигини исботлади.

АИГА билан касалланган асосий гуруҳдаги беморлар орасида биокимёвий қон таҳлили (БҚТ) даги ўзгаришлар соғлом одамларга нисбатан умумий билирубин миқдорининг, унинг билвосита фраксияси туфайли (61,9±2.2 ммол/л; P<0.001) 82,5±2,7 ммол/л (P<0.001) гача ошиши билан тавсифланган (3-жадвалга қаранг).

Енгил АИГА билан оғриган беморларда соғлом одамларга нисбатан умумий билирубин миқдори ва унинг билвосита улуши 2,4 баравар (P<0.01) ва 2,5 баравар (P<0.01) ошган.

АИГА нинг ўртача оғирлиги бўлган гуруҳда соғлом одамлар билан солиштирганда умумий билирубин миқдори ва унинг билвосита улуши 4,7 баравар (P<0,001) ва 4,6 баравар ошган. (P<0,001).

Нихоят, соғлом одамларга нисбатан оғир АИГА бўлган гуруҳда биокимёвий кўрсаткичлардаги ўзгаришлар энг яққол бўлди ва умумий билирубин миқдори ва унинг билвосита фраксиясини 6,1 баравар (P<0,001) ошди.

АИГА билан хасталанган беморларнинг барча гуруҳларида умумий оксил даражасини баҳолашда нормал қийматлардан оғиш аниқланмади.

Ўртача ва оғир оғирлик даражаси мос равишда ($r=62$) ва ($r=68$) бўлган беморларда умумий билирубин ва гемоглобин қийматлари ўртасида сезиларли корреляцион боғлиқлик аниқланди. Муҳим лаборатор диагностик текшируви беморларнинг барча гуруҳларида бевосита ва билвосита Кумбс антиглобулин синамаларини ўтказиш эди.

3-жадвал

Аутоиммун гемолитик анемия билан хасталанган беморларда биокимёвий қон таҳлил кўрсаткичлари, (М±м)

Кўрсаткичлар	Соғлом, назорат гуруҳи, n=97	АИГА билан асосий гуруҳ, n=93	I даражали АИГА, n=6	II даражали АИГА, n=49	III даражали АИГА, n=38
Умумий оксил, г/л	82,9±3,05	75,4±0,62	82,8±1,2	74,5±0,6	75,5±1,2
Умумий билирубин, (ммол / л)	16,1±1,5	82,5±2,7****	40,0±15,7 **	75,5±3,2 ****	98,3±3,2 ****
Боғланмаган билирубин, (ммол / л)	4,02±0,91	20,6±0,7 ****	9,5±1,02 **	19,3±0,8 ****	24,1±0,8 ****
Боғланган билирубин, (ммол/л)	12,1±1,02	61,9±2,2 ****	29,8±4,3 **	56,2±2,4 ****	74,3±2,9****

Изоҳ: *-назорат гуруҳи билан солиштирганда фарқларнинг ишончлилиги: * - $P<0,05$; ** - $P<0,01$; ****- $P<0,001$.

Шуни таъкидлаш керакки, текширилганларнинг барчасида билвосита синов манфий бўлган. Шу билан бирга, мусбат бевосита Кумбс синови беморларнинг асосий гуруҳида беморларнинг 83,9%да (78), енгил даражали гуруҳда 100%да (6), ўртача даражали гуруҳда 85,7%да (42) ва оғир даражали беморлар орасида мос равишда 78,9%да (30) аниқланди.

Шундай қилиб, текширилган беморларнинг кўпчилигида бевосита Кумбс синови ижобий бўлди, бу уларда иссиқлик антителлари билан АИГА борлигини кўрсатади. Шу билан бирга, асосий гуруҳдаги беморларнинг 16,1 фоизида (15) аниқланган салбий антиглобулин синови ушбу беморларда қизил қон таначаларининг яққол гемолизи билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Диссертациянинг «**TNF- α (rs1800629), IL17A (rs2275913), IL-17F (rs763780), IL23R (11209026), TGF β (rs 1800471)** цитокин генларининг полиморф локусларининг аутоиммун гемолитик анемияда тарқалиш хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида АИГА билан хасталанган беморларда ва соғлом одамларда генетик полиморфизмларнинг хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Бизнинг тадқиқотимизда АИГА (n=93) бўлган беморларда соғлом (n=97) гуруҳга нисбатан кичик аллел частоталарини тарқалиш хусусиятлари ва TNF- α (rs1800629), IL17A (rs2275913), IL-17F (rs763780), IL23R (11209026), TGF β

(rs 1800471) генларининг полиморф вариантларининг ноқулай генотиплари аниқланди. Ўрганилган генлар генотипларининг кузатилган ($H_{обс}$) ва кутилган (H_{exp}) частоталарининг тақсимланиши Ҳардй-Вайнберг мувозанатига ($P>0.05$) мос келди. TNF- α (rs1800629) нинг текширилган гуруҳларда тақсимлаш натижалари 4-жадвалда келтирилган (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Соғлом ва аутоиммун гемолитик анемия беморлар гуруҳларида ўсима некрози омили TNF- α (rs1800629) генининг полиморфизмининг полиморф локусларининг тарқалиш табиати

Ўрганилган гуруҳлар	Алелларнинг учраши				Генотипларнинг учраши					
	G		A		G/G		G/A		A/A	
	n	%	n	%	n	%	n	%	N	%
I–АИГА нинг асосий гуруҳи, (n=93)	167	89.8	19	10.2	74	79.6	19	20.4	0	0.0
II–оғир бўлмаган АИГА гуруҳи, (n=55)	103	93.6	7	6.4	48	87.3	7	12.7	0	0.0
III – оғир кечадиган АИГА гуруҳи, (n=38)	64	84.2	12	15.8	26	68.4	12	31.6	0	0.0
IV – соғлом одамларнинг таққослаш гуруҳи, (n=97)	181	93.3	13	6.7	84	86.6	13	13.4	0	0.0

АИГА билан хасталанган беморларнинг асосий гуруҳида ноқулай аллел А нинг частотаси соғлом инсонларникига қараганда 1,6 баравар ($\chi^2=1,5$; $P=0,3$; OR=1,6; СИ: 0,76-3,29) юқори бўлиб, статистик жиҳатдан ишончли даражага етмади. Шу билан бирга, G/A генотипининг частотаси бўйича унинг соғлом инсонларга нисбатан мос равишда 1,7 баравар ($\chi^2=1,7$; $P=0,2$; OR=1,7; СИ: 0,77-3,57) кўпайишида яққол бўлмаган тенденцияси кузатилди.

Оғир бўлмаган АИГА билан хасталанган беморлар гуруҳида қулай ва ноқулай аллеллар (G: $\chi^2<3,84$; $P=0,95$; OR=1,1; СИ: 0,41-2,73 ва А: $\chi^2<3,84$; $P=0,95$; OR=1,1; СИ: 0,37-2,45) ва генотиплар (G/G: $\chi^2<3,84$; $P=0,95$; OR=1,1; СИ: 0,4-2,84 ва G/A: $\chi^2<3,84$; $P=0,95$; OR=0,9; СИ: 0,35-2,52) вариантларини тарқалишида соғлом гуруҳдагиларга нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар топилмади.

Шу билан бирга, оғир АИГА ривожланиш хавфи бўйича TNF- α (rs1800629) ўсма некрози омили ситокин генининг полиморф локуслари билан боғлиқлик ўрнатилди. (А: $\chi^2=5,4$; $P=0,03$; OR=2,6; СИ: 1,16-5,88 ва G/A: $\chi^2=6,0$; $P=0,03$; OR=3,0; СИ: 1,24-7,16)

Бундан ташқари, ўсма некрози омили TNF- α (rs1800629) ситокин генининг полиморф локусларини тарқалишидаги сезиларли фарқлар энгил ва оғир АИГА билан оғриган беморлар гуруҳлари ўртасида ҳам аниқланган. (А: $\chi^2=4,4$; $P=0,05$; OR=2,8; СИ: 1,06-7,16 ва G/A: $\chi^2=4,9$; $P=0,05$; OR=3,2; СИ: 1,14-8,77)

Шундай қилиб, олинган натижалар TNF- α (rs1800629) полиморфизмининг Ўзбекистонда АИГА шаклланиши ва унинг оғир кечиши хавфини оширишда иштирок этишини исботлайди.

Ўрганилган гуруҳларда IL10 (rs1800872) ситокин генининг тарқалишини таҳлил қилиш натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

IL10 (rs1800872) интерлейкин ген полиморфизмининг полиморф локусларининг аутоиммун гемолитик анемия ва соғлом беморлар гуруҳларида тарқалиш табиати

Ўрганилган гуруҳлар	Алелларнинг учраши				Генотипларнинг учраши					
	C		A		C/C		C/A		A/A	
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
I- АИГА нинг асосий гуруҳи, (n=93)	134	72.1	52	27.9	51	54.8	32	34.4	10	10.8
II – оғир бўлмаган АИГА гуруҳи, (n=55)	87	79.1	23	20.9	35	63.6	17	30.9	3	5.4
III- оғир кечадиган АИГА гуруҳи, (n=38)	47	61.8	29	38.2	16	42.1	15	39.5	7	18.4
IV– соғлом инсонларнинг таққослаш гуруҳи, (n=97)	144	74.2	50	25.8	56	57.7	32	33.0	9	9.3

Цитокин полиморф интерлейкин IL10 (rs1800872) генининг аллеллари ва генотиплари улушларини соғломлар билан солиштирганда, ноқулай А аллели улушининг 1,1 баравар га статистик жиҳатдан аҳамиятсиз ўсиши аниқланди ($\chi^2=0,2$; $P=0,7$; OR=1,1; СИ: 0,71-1,76). АИГА билан оғриган беморларнинг асосий гуруҳидаги гетерозигота C/A ва мутант гомозигота A/A улушлари ҳам, уларнинг соғлом одамлардаги частоталарига нисбатан, статистик аҳамиятга эга бўлмаган ҳолда, 1,1 (C/A.; $\chi^2<3,84$; $P=0,9$; OR=1,1; СИ: 0,58-1,95) ва 1,2 баравар (A/A: $\chi^2=0,1$; $P=0,8$; OR=1,2; СИ: 0,46-3,04) ошди. Шу билан бирга, асосий аллел ва генотип бўйича ўрганилган гуруҳлар ўртасида яна сезиларли фарқлар топилмади ($\chi^2<3,84$; $P>0,05$).

Цитокин полиморф интерлейкин IL10 (rs1800872) генининг тарқалиш хусусиятини соғлом беморларга нисбатан АИГА кечишининг оғирлигига қараб ўрганиш, оғир бўлмаган АИГА да ноқулай аллел А ($\chi^2=0,9$; $P=0,4$; OR=0,8; СИ: 0,43-1,33), гетерозиготалар C/A ($\chi^2=0,1$; $P=0,8$; OR=0,9; СИ: 0,45-1,85) ва мутант вариант A/A ($\chi^2=0,7$; $P=0,5$; OR=0,6; СИ: 0,15-2,15) улушининг ортиши бирликка етиб бормаганлиги аниқланди.

Цитокин полиморф интерлейкин IL10 (rs1800872) генининг оғир АИГА гуруҳи орасида соғлом гуруҳга нисбатан тарқалиш натижаларини таққослаб, ноқулай аллел А улушида ($\chi^2=4,0$; $P=0,05$; OR=1,8; СИ: 1,01-3,11) статистик жиҳатдан ишончли фарқлар мавжудлиги аниқланди.

A/A генотипининг мутант вариантынинг улушига келсак, оғир АИГА билан касалланган гуруҳ орасида унинг 2,2 баравар (18,4% га нисбатан 9,3%; $\chi^2=2,2$; $P=0,2$; OR=2,2; СИ: 0,77-6,31) кўпайиши тенденцияси аниқланди.

Шу билан бирга, ушбу гуруҳлар ўртасида гетерозигота С/А ларнинг тарқалиш улушида (39,5% га нисбатан 33,0%; $\chi^2=0,5$; $P=0,5$; OR=1,3; СИ: 0,61-2,88) статистик жиҳатдан муҳим фарқлар аниқланмади.

